

O'ZBEK TILIDA MAQOLALAR

TARIX VA ARXEOLOGIYA

XIII АСР ОХИРИ XIV АСР БОШЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИ ИЛМИЙ МУҲИТИ

Насруллаев Нёъматуллох Хикматуллаевич

Ўзбекистон халқаро Ислом Академияси
Ислом тарихи, санъати ва маданияти илмий-тадқиқот маркази -
Ислом тарихи ва манбаъунослик кафедраси
Тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон, Тошкент

XIII аср боши – XIV аср ўрталарида мўғуллар томонидан қилинган босқинчилик ҳудудда кўпгина талофотларни келтириб чиқарди [6]. Бу ҳақда Муҳаммад Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушо” (Жаҳон фатҳи тарихи), Рашидиддин Фазлуллохнинг “Жомеъ ат-таворих” (Тарих мажмуаси), Шихобиддин Муҳаммад Насавийнинг “Сийрат ас-султон Жалолуддин Менгбурний” (Султон Жалолуддин Мангубердиннинг таржимаи ҳоли), Иззиддин ибн ал-Асирнинг “Ал-Комил фит-тарих” (Мукаммал тарих), Жамол Қаршийнинг “Мулҳақат ас-Суроҳ” (Суроҳнинг қўшимчалари), Ҳамдуллох Қазвинийнинг “Нузхат ал-қулуб” (Қалблар ардоғи), Абулфазл Муҳаммад Банокатийнинг “Равзату лил-албоб фит-таворихи ал-ақобир вал-ансоб” (Насаблар ва улуғлар тарихларида ақл эгаларининг боғчаси) каби тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди. Бундан ташқари венециялик савдогар ва сайёҳ Поло Марко (ваф. 724/1324), Порденон (ваф. 731/1331), араб сайёҳи Ибн Батутта Абу Абдуллох Муҳаммад (ваф. 779/1377) каби тарихчилар ҳам мўғул босқини ҳақида хабар берувчи қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар [8].

XIII асрнинг биринчи ярмида мўғуллар Мовароуннаҳрни босиб олгач, қадимий маданиятга эга бўлган бу ўлка халқлари ҳаётида инкироз даври бошланди. Мўғулларнинг Мовароуннаҳр аҳолиси бошига солган қулфатлари ҳақида Херман Вамбери: “... унинг аҳолисини қириб ташлади, кўп асрлар мобайнида ўз маданиятининг юқори босқичга эга бўлган турмуш тарзини шундай бир ваҳшийликка қулатдики, бу даҳшат унинг шонли ўтмишини ва кейинги истикболини йўққа чиқарди” – деб ёзади [9].

М.Иванин эса, “Ҳеч бир халқ мўғуллар Чингизхон даврида ва Ўрта Осиё халқлари Амир Темур даврида босиб олган ҳудудлари каби улкан ерларни ололмаган ва бу юришларда улар эришган тезкорликка эришмаган. Чингизхон дастлабки хонлик даврида ўзига тобе 13000 атрофидаги ўтов ёки оилага эга бўлса, умрининг охирида турли тилларда сўзловчи ва турли динларга мансуб бўлган 720 та халқ унга тобе эди. Унинг набиралари ҳозирги Хитой ва Ҳиндистоннинг бир қисми, Корея ва бутун Ўрта Осиё, ҳозирги Россия ва Жанубий Осиёнинг Ҳинддан Фортунгача бўлган ерларга ҳукмронлик қилишган,

бу ҳудудлар бор-йўғи 60-70 йил ичида босиб олинган эди” – дейди. Чингизхон ва унинг авлодлари Мовароуннаҳрга сиёсий юришлари ва ерли халқ учун кўрсатган тажовузлири ҳақида ғарб олимлари ҳам кўп ёзганлар [5].

Чингизхон вафотидан олдин ўзи эгаллаган улкан ҳудудларни ўғиллари орасида тақсимлаб берди. Хитой ва Мўғулистон – Ўгадойга, Чигатойга эса, Мовароуннаҳрдан то Шарқий Туркистонгача бўлган катта ўлка тегди. Ўғли Тулига Хуросон, Эрон ва Ҳиндистонни тақдим қилди. Мовароуннаҳрга қўшни бўлган яна бир қучли мўғул давлати – Олтин Ўрда (Хоразм ва Дашти Қипчок, шунингдек Россиянинг жанубий қисмлари) катта ўғил Жўжигача берилди.

Жўжининг (624/1227) вафотидан сўнг бу ерлар тўнғич ўғил Ботухон тасарруфига ўтди. Ботухон Россиянинг то Новгородгача бўлган қисмини эгаллаб, Киевни қўлга киритди ва ўз юришида Польша ва Венгриягача бўлган ҳудудларга етиб борди. Ундан кўрқанидан Европа монархлари ва Рим папаси жаҳонни ларзага солган Чингизхон авлодлари билан савдо, сиёсий ва дипломатик муносабатлар ўрнатишга кизикди. Биринчи бўлиб, “Татарлар ўлкаси”га папа Иннокентий IV (642/1245-1251) йиллар орасида франциялик Иоанна Плано Карпини бошлиқ ва унинг ватандоши, монарх Вильгельм Рубрукдан иборат элчиларни юборди. Бу элчилар ҳақида венециялик сайёҳ Марко Поло кайд этишича, улар Хитойга Ўрта Осиё орқали ўтиб, ўлканинг этнографияси ва унга тегишли кўплаб маълумотларни ўз асарларида келтирганлар [10].

Босиб олинган ҳудудларнинг халқларини ягона ҳукмдор қўл остида бошқариш мўғуллар учун тобора мушкуллашиб, кейинчалик турли норозиликларни келтириб чиқара бошлади. Олтин Ўрда хонлари ва улар тасарруфига киритилган ҳудудлар ўртасида низолар келиб чиқди. Шунга қарамайдан хон Тўхтамыш (ваф. 809/1406) Ўзбекхон Элхонийлар, Озарбайжон, Кавказорти, турк Мамлуклари ва Усмонлилар билан илиқ муносабатда бўлиб, хар томонлама мустаҳкам алоқа ўрнатди.

Мовароуннаҳр ҳудудида ҳукмронлик қилган мўғул хонлари маънавий ҳаётда оз бўлса-да ижод аҳлига эътибор қаратдилар. Натижада уларнинг

баъзилари мўғул саройларида яшаб, уларга атаб турли “нома”лар, жумладан, “Чингизнома”, “Панднома” ва қасидалар ёздилар. Лекин бу қасидалар савияси унчалик тарихий ва бадиий-илмий аҳамият касб этмади. Шундай бўлса-да XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилиб, илмий ва адабий жihatдан ноёб бўлган ижод намуналари ҳам ёзилди. Жумладан, Носириддин Рабғузийнинг кўплаб нусхаларда сақланиб қолган “Қиссас ал-анбиё” (Пайғамбарлар тарихи), туркий тилнинг хусусиятларини акс эттирган “Ўғузнама”, Хоразмий каламига мансуб “Мухаббатнома”, Низомий Ганжавийнинг Олтин Ўрда ҳаётига оид табиий манзараларни ўзида акс эттирган “Хусрав ва Ширин” достони, Сайфи Саройининг ижодига мансуб Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” асари таржимаси, туркий тилларнинг лингвистик хусусиятларига бағишланган “Тухфат аз-закиййа фи-л-луғати-т-туркиййа” (Туркийча луғатдаги заковатли тухфа) каби туркий халқларнинг тиллари билан боғлиқ асарлар айни мана шу асрларга мансуб [1]. Шайх Шарифийнинг шеърий йўлда битилган “Муин ал-мурид” (Муридга ёрдамчи) китоби 712/1313 йили Хоразмда яратилган бўлиб, Олтин Ўрда ўзбек хонлари ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ноёб адабий ёдгорлик саналади. Маҳмуд ибн Алининг назмда битилган “Наҳж ал-фародис” (Жаннатлар йўли) номли асари ҳам қадимий илмий асарлар жумласига кириб, унинг 761/1360 йилга мансуб экани қўлёзманинг ўзида қайд этилган. Бу асар турк олимлари томонидан факсимиль йўл билан чоп бўлган.

Сайфуддин Муҳаммад Фарғоний (XIII аср иккинчи ярми) Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Кавказorti мамлакатлари ва Россиянинг катта бир қисми мўғуллар асоратида тушиб қолган йилларда Чингизхон, кейинчалик Мовароуннаҳрга ҳукмдор этиб тайинланган Маҳмуд Яловач ва мўғул кўчманчилари зулмидан қочиб Онадўлига келиб қолган. Муҳаммад Фарғоний шеърият, қасида, ғазаллар бобида таникли шоирлардан саналган. Муаллиф ўша даврда халққа нисбатан жабр зулмларининг ҳаддан ошгани ва меҳнаткаш омманинг ҳукмдорлар томонидан кўрган зарарларини сатрларида тасвирлаган.

Мовароуннаҳрда IX-XII асрларда юксалиб улгурган илм-фан ва маданият ҳамда ривожланиб келаётган саноат, зироатчилик мўғуллар босқини туфайли издан чиқди. Йирик сарой ва иншоотлар аввалги кўринишини йўқотиб, харобага айланди. Буюк Ипак йўли бўйлаб савдо алоқалари тўхтаб, минтака анча муддат ўзига кела олмади. Аҳолининг кўп қисми кириб ташланган, бир қисми мўғул аскарлари сафига қўшилган ва яна бошқалари Мўғулистонга ишчи кучи сифатида ҳайдаб кетилган эди.

Мовароуннаҳрда бу инкироз қарийб юз эллик йил давом этди. XIV асрнинг биринчи ярми мана шу инкирозларнинг охириги даври бўлиб, бир томондан нисбий бўлса-да ривожланиш, иккинчи томондан меҳнаткаш оммани турли йўллар билан эзиш ортиб борди. Натижада мамлакатда сиёсий тарқоқлик ва беқарорлик юзага келди. Маҳаллий халқнинг норозиликлари қучайиб, омма орасида турли келишмовчилик, қўзғолонлар қузатилди.

Душман асоратида қолган халқ озодлик курашига маънавий жihatдан шайланди. Мўғул ямосига учраган Мовароуннаҳр аҳолисини тарбиялашда тасаввуфнинг таъсири катта бўлиб, бунда мутасаввуф олим Нажмиддин Кубро (ваф. 617/1221) ва унинг издошлари салмоқли ўрин эгаллади. Улар фаолияти таъсирида маҳаллий аҳоли босқинчилардан маънан устун эканликларини англаб етиб, мўғулларга қарши Наҳшаб ва Кеш шаҳарларида Барлос қабиласи бошчилигида миллий озодлик ҳаракатлари қучайди [2].

XIV асрнинг бошидан Мовароуннаҳрдаги Чигатой хонлари орасида ҳокимият учун кескин кураш ва турли бўлинишлар содир бўлди. Мўғул хонларининг баъзи қатламлари ислом динини қабул қила бошладилар. Улар орасида ерли халқ тасаввуфнинг кубравия, яссавия ва нақшбандия пешволари хизматига кириши, баъзиларининг тўла исломни қабул қилиши ва халқ оммаси билан тобора яқинлашиши, саҳроларда юрган бошқа мўғул хонларидан ажралишларига олиб келди. Мўғул хонларининг Чигатой (642/1244) ўлимидан сўнгги йилларда тасаввуф таълимоти таъсирида эришилган маънавий ғалабаси тарихда муҳим ўрин тутди.

Мовароуннаҳр ерларини отасидан мерос қилиб олган Чигатой Хитой ва Хоразмшоҳлар давлати истилосида айнан иштирок этди. Тўнғич ўғил Жўжининг эрта вафоти туфайли, Чигатой улусининг урфодатларини пухта эгаллаш ҳамда ҳукмдор – ҳокон Ўқтойга доимий маслаҳатчи вазифасида фаолият кўрсатди. Шу сабаб, Чигатой отаси ўлимидан кейин ортик ҳеч бир уруш сафарига чиқмади. Бошқа мўғул ҳукмдорлари сингари кишлоқ ва ёзлик яшаш манзилларидан холи, факат Или водийсида муқим қолиб, улусини ўша ердан бошқарди. Чингизхон ўғилларидан биргина Чигатойнинг номи ҳозирги кунга қадар айрим жойларнинг номи ва чигатой тили ёки ёзуви сифатида сақланиб қолди.

Чигатой улуси бошқаруви мўғуллар томонидан махсус тайинланган машҳур савдогар Маҳмуд Яловач (ваф. 636/1238), кейинчалик унинг ўғли Масъуд (ваф. 688/1289) томонидан идора этилди. Асли, Чигатой улуси бошқаруви тарихи унинг ўғли Мунке (ваф. 645/1247), Барақхон (ваф. 664/1247) ва унинг ўғли Тувахон (ваф. 690/1291), Маҳмуд Қозонхон (ваф. 744/1343), Тува ўғли Кебекхон (ваф. 726/1326), укаси Тармаширинлар (ваф. 734/1334) томонидан идора этилган.

1220 йилда Чингизхоннинг катта қўшини Бухоро шаҳрини ҳам босиб олди. Шаҳар юз минглаб қурбонликлар бериб, асрлар давомида бунёд этилган обидалар вайрон этилди. Чингизийлар зулмига қарши 1258 йили Бухорода Маҳмуд Торобий раҳбарлигида исён қўтарилди. Ушбу жангда Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий ҳам иштирок этди. Ҳазрат Маҳбубийнинг эл орасида танилганидан, Торобий ўзига ҳазратни пир қилиб, у киши кўмагида бутун аҳолини мўғул-татарларга қарши қўзғата олди. Дастлаб мўғулларга қарши бўлган жангларда бухороликлар қўли баланд келди. Мўғуллар ушбу жангда енгилиб, Карманага қараб қочди. Жума намози хутбасида Маҳмуд Торобий номи зикр этилди ва Шамсиддин Маҳбубий – Садр аш-шариа

деб аталди. Лекин Хўжанддан Маҳмуд Яловач катта қўшин билан келиб, кескин жанглардан сўнг Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубийлар шахид бўлди. Бу воқеа 1240 йилда содир бўлган эди [3].

Мўғуллар босқини натижасида Мовароуннаҳр шаҳарларининг хароб этилиши ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, илм-фан ва маданиятга ўз салбий таъсирини ўтказди. Илм-фан жумладан фикҳ илми ҳам анча оқсаб қолди. Натижада халқ орасида турли қийматсиз ривоятлар, асоссиз фатволар, заиф ҳадислардан фойдаланиш, эътиқодга оид шаръий масалаларга жиддий эътибор бермаслик, назмнависликка берилиш ҳолатлари кўпайди. Давр олимлари халқни динга, ибодатга тарғиб қилиш мақсадида ушбу заиф ривоятлар, маноким масалаларини бўрттирган ҳолда васф қилдилар. Масалан, Носириддин Рабғузийнинг “Қиссас ал-анбийе” ҳақиқатдан йироқ ривоятлари, Масъуд ибн Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий” асарида Абу Ҳанифанинг манокимлари ҳақида муболағали ривоятлар киритилган. Алоуддин Бухорийнинг “Ҳайратул фуқаҳо” асарида эса, ўша даврда халқ орасида кенг тарқалган ривоятлар, ҳадислар ва илмсиз кимсалар томонидан чиқарилган фатволарни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳат мўғуллар босқини даврида мовароуннаҳрлик баъзи фақиҳлар Яқин Шарқ мамлакатларига кўчиб ўтди. Лекин шундай кескин вазиятга қарамай аксарият олимлар Мовароуннаҳр ҳудудидан чикмай ўз фаолиятларини давом эттиргани кузатилади. Чунки, мўғул хонларининг ислом динини қабул қилишида ўлкада фаолият юритган олимларнинг ҳиссаси юрт учун катта бўлди.

Қазвинийнинг маълумотида кўра, бухоролик “Оли Моза” (Моза оиласи) имоми ҳамда раисларидан бири Садри жаҳон Бурҳониддин Муҳаммад ва унинг авлодлари химояси остида олти минг ханафий фақиҳлари ҳаёт кечирган [4].

Моза оиласи мўғуллар босқинидан кейин ҳам ханафий фақиҳларни ўз химоясига олиб келган ва 674/1276 йили тўрт минг фақиҳ улар кўрсатаётган ёрдамларидан фойдаланган. Бу ҳолат мўғул хонларининг ўтроқлашиши ва ислом динини қабул қилиши билан ҳам боғлиқ эди.

Бухоро ўзининг фақиҳ, олим ва адиблари билан ўлка моддий ва маданий-маънавий маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган шахрлардан биридир. У илм масканлари кўплиги билан дунё бўйича алоҳида ўрин тутади десак, муболаға бўлмайди. Мана шундай мадрасалардан бири Бухоронинг Мир Масъуд гузарида жойлашган бўлиб, улугвор мадрасалардан бири эди. Уни Чигатой улуси ноиб Маҳмуд Яловачнинг Масъудбек исмли ўғли

қурдирган. Айтишларича, мазкур мадрасада қарийб минг нафар талаба илм олиб, унинг кўплаб ноёб китоблар тўпланган бой кутубхонаси ҳам бўлган. Ушбу мадраса ҳақида Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний ўзининг “Жамиъ ут-таворих” асарида маълумот бериб ўтади.

Манбашунос олим Абдусаттор Жуманазаров “Бухоро таълим тизими тарихи” монографиясида VIII асрнинг иккинчи ярмидан то XX аср иккинчи ярмигача Бухоро ва унинг атрофида фаолият юритган мадрасаларнинг жами 324 таси ҳақида маълумот бериб ўтади. Муаллиф тадқиқотда бу масалага алоҳида боб ажратиб, мадрасаларни бирма-бир алифбо тартибига кўра ёритиб беради. Китобда баъзи мадрасалар ҳақида кенг ва атрофли маълумотлар берилишига қарамай, баъзилари ҳақида мухтасар сўз юритилади. Муаллиф айрим кам сонли мадрасаларнинг фақат номини келтириш билан кифояланади [7].

XIII-XIV асрларда Абу Ҳафс Кабир, Фаржак, Тимчаи Хон, Хония, Кулартегин, Масъудия, Хожа Булғор, Хорчок, кейинчалик, Хожа Муҳаммад Порсо, Мирзо Улуғбек, Пояндабий, Мир Араб ва бошқа бир-неча мадрасалар фаолият юритган. Демак, ўша даврда етишиб чиккан машхур мутафаккир олимларнинг барчаси айни мадрасадан етишиб чиккани эътиборга молик. Бундай даргоҳларда етишган илм аҳли бизлар учун дастурул амал бўлиб келаётган асарларни битдилар, дунёга намуна бўлгудек ижод намуналарини намоён қила олдилар, лекин афсуски биз хали-хануз уларни тўлиқ ўрганиб чикканимизча йўқ.

Хуллас, XIII аср охири – XIV аср бошлари Мовароуннаҳр шаҳарлари Чингиз авлодларидан бўлган мўғул хонларининг ҳокимиятни қўлга киритиш учун олиб борган тўхтовсиз курашлари гирдобиди қолди. Бу давр ижтимоий-маданий аҳволи бир томондан, минтақанинг кичик-кичик, қувватсиз давлатларга бўлингани бўлса, иккинчидан, ҳар бир ҳукмдор бутун Мовароуннаҳрни бўйсундириб, уни ягона ҳокимият доирасида жамлашга интилди. Чигатой хонларидан Кебекхон даврига келиб, савдо, қурилиш, илм-фан бирмунча раванқ топди. У ўзининг доно ва қаттиққўллиги билан ўлка маданий ривожига маълум даражада ҳисса қўшди. Маҳаллий аҳоли ўртасида қадимдан илм-маърифат, маданият юксак бўлгани сабаб, унинг зиёлий қатлами халқни бу тўсиқлардан олиб чиқишга ҳаракат қилди. Бу даврда ақида, тафсири, калом, ҳадис ва фикҳ илмларига эътибор аввалгидек жонлана бошлади. Мўғул хонларидан кейинги қайта юксалиш, Қаршини улардан халос қилган Амир Темурнинг (ваф.807/1405) сиёсий майдонга кириши билан шахар аста-секин ривожлана бошлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмудов Қ. XIII-XIV аср туркий ёзма обидалар тилининг фонетик системаси. – Б. 18-19.
2. Юсупов Э. Шайх Нажмиддин Кубро / Нажмиддин Кубро мероси ва тасаввуф тариқати ҳақида айрим мулоҳазалар (мақолалар тўплами). – Т.: Ёзувчи, 1995. – Б. 13-14.
3. Садриддин Салим Бухорий. “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари”. – Тошкент: “Navro’z” nashriyoti, 2015. – Б. 125.

4. Шихобиддин Мухаммад Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди хаёти. Таржимон: Матёкубов. – Тошкент: Ўзбекистон – Ёзувчи, 1999. – 432 б.
5. Grousset R. L'empire mongol (Histoire du monde). T-VIII. – Paris: Rue de Medicis, 1941. – P. 583.; Andrew B.J. The Mongol word empire (1206-1370). – London: Variorum reprints, 1977. – P. 568.; Bosworth.C.E. Islam devletleri tarihi. Cevirenler: E. Mercil, M. Ipsirli. – Istanbul: Oguz, 1980. – S. 190-193.
6. Джиованни дель Плано Карпини. История Монгалов. Гильом де Рубрук. Путешествие в Восточные страны. – Москва: Государственное издательство географической литературы, 1957. – С. 8-17.
7. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: “Akademnashr”, 2017. – Б. 338-343.
8. Биографический словарь. 300 путешественников и исследователей. – М.: Мысль, 1966. – С. 244-245.
9. Иванин М. Икки буюк саркарда Чингизхон ва Амир Темур. – Т.: Фан, 1994. – Б. 3 7.
10. Гимади Х.Г. Материалы по истории Татарии. Выпуск I. – Казань: Татгосиздат, 1948. – С. 189-192.